

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: Япония мўъжизасининг
сирлари.**

Бажарди: Эшонқулов Ж. 5-41-гуруҳ.

Қабул қилди: Доц. Аюпов О.

ГУЛИСТОН 2014

РЕЖА:

Кириш.

1-боб. I БОБ Япония давлат тузуми, хусусиятлари

2-боб. II БОБ. Ўзбекистон ва Япония: ҳамкорликнинг янги босқичи;

3-боб. V БОБ. Япония иқтисодиётининг урушдан кейинги йўналиши

Хулоса Япониянинг иқтисодий шароитлари .Хулоса.

Кириш

XX асрнинг сўнги 10 йиллигида жаҳонда рўй берган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ҳодисалар ғоят мураккаб ва қалтис бир вазиятни вужудга келтирди. Бунинг натижасида пуч ва ёлғон ғояларга, зўравонликка асосланган социализм тизими, маъмурий-буйруқбозликка асосланган тузум инқирозга юз тутди. Дунёнинг икки қарама-қарши лагерга бўлиниши барҳам топди. XXI аср бўсағасида жаҳон микёсидаги умумий тараққиёт инсоният дунёкарашини ўзгартирди. Коммуникациялар юксалиши, халқаро муносабатларнинг янги асосларда ривожланиши ва унинг инсоният ҳаётига таъсири сезиларли даражада кучайиб бориши учун имконият кенгайди¹.

Шу билан бирга, илмий-техникавий тараққиёт имкониятларининг нотекис тақсимланганлиги туфайли давлатлараро муносабатлар тизимидаги мувозанатнинг ўзгаришига олиб келди. Бу ҳолат юксак илмий-техника тараққиётига эришган ривожланган мамлакатлар билан эндигина ривожланаётган давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги иқтисодий-сиёсий замини кучайишига ҳам олиб келди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида кўплаб халқаро конвенцияларга ва БМТ, ЕХҲТ, ХМТ кабиларнинг протоколларига қўшилибгина қолмай, балки жаҳоннинг кўплаб тараққий этган мамлакатлари билан ўзаро дўстлик муносабатларини ўрнатишга эришди². Бу алоқалар

¹ Хидоятов Г. А. Всемирная история. Т. «Шарк» 2000.

² Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти тизимида. Т. 2004.

шунчаки маълум муддатга тузилган ҳамкорлик бўлмай, ўзаро ишонч асосига қурилган узоқ муддатли стратегик ҳамкорликдир³.

Маълумки, шу йил март ойида Ўзбекистон ва АҚШ стратегик ҳамкорлар, деб эълон қилинган бўлса, Президентимиз Ислам Каримов Япония ҳукумати таклифига биноан шу йилнинг 28-31 июл кунлари Японияга ташриф чоғида ҳар икки мамлакат ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ҳамкорлик ҳақидаги Битимга имзо чекди. Оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлган бу воқеа туфайли мамлакатимиз расман ҳам ғарб, ҳам Шарқнинг энг қудратли давлатлари билан стратегик икки томонлама фойдали муносабатлар ўрнатишга эришди.

Мавзунинг долзарблиги: Дунё тараққиёти билан бирга нодавлат халқаро ташкилотлар вужудга келдики, улар турли даражада ривожланган давлатлар ўртасида муроса ўрнатишга хизмат қила бошлади. Шу боисдан улар ўз фаолиятларини жаҳонда рўй бераётган йирик муаммоларга бефарқ қарамай, бу жараёнлар ичига кириб бориш, таъсир доирасини кенгайтириш, ҳаммага баробар, одилона ва холисона муносабатларни уюштиришга қаратмоқдалар. Шунинг учун ҳам бу халқаро сиёсий ташкилотлар дунё халқлари кўз ўнгида нуфузли ташкилотга айланмоқдалар. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, жаҳон ҳамжамиятига тенглар ичида тенг бўлиб қўшилиш йўлини тутди⁴. Гап шундаки, ҳеч бир мамлакат ўз

³ Каримов И. Жамиятимиз мафқурави халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Т.1998.

⁴ Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти тизимида. Т. 2004.

қобиғида ўралиб ривожланмаган. Инсоният тарихида бунга кўплаб мисоллар мавжудлиги ҳозирги кунда барчага маълумдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган фаол ички ва ташқи сиёсат, Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг халқимизнинг бахт-саодати йўлидаги саъй-ҳаракатлари туфайли бу борада катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқдаки, оқибатда сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Яқин ўтмишда чор Россиясининг, сўнгра «иттифок»нинг хом ашё базаси бўлиб келган ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йилларданок жаҳонга, жаҳон эса ўзбекистонга юз тута бошлади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини жаҳонда энг ривожланган давлатлар тан олиб, биз билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатдилар.

Зеро, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун барча шарт-шароитлар мавжуддир. Республикаимизнинг моддий бойликлари, табиатининг ноёб имкониятлари ҳамда энг асосийси, халқимизнинг меҳнаткашлиги ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган маънавий салоҳияти ва яна битта муҳим фактор — Ўзбекистон Республикаси, унинг ҳукумати, йўлбошчиси Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ташқи сиёсат, ҳар қандай зўравонликлар, тазйиқлар ва ғоявий хуружларни бартараф этиш омиллари, халқаро муносабатларда ҳар қандай муаммони ақл-идрок ва дипломатик йўл билан ҳал этиш сиёсати жаҳондаги барча ривожланган давлатларнинг биз билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишларига йўл очиб бермоқда.

Ишнинг мақсади ва вазифаси: Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш, ўзаро ҳамкорлик ва биродарликни чуқурлаштаришга ҳаракат қилмоқда. Шу боисдан ҳам у Осиё ва Европа қитъалари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчилик, Ғарбу-Шарқ ўртасидаги кўприкни боғлаб турувчилик вазифасини ўтай оладиган ягона давлат бўлиб майдонга чиқди.

Ҳап шундаки, Президентимиз И.А.Каримов дунё муаммоларини ҳал қилишнинг энг инсонпарвар, энг адолатпарвар тамойилларини ўртага ташлаган етук давлат раҳбари сифатида дунёга танилди⁵. У бутун инсоният тақдирига дахлдор бўлган улкан муаммо — халқаро терроризм ва наркобизнес, ақидапарастлик ва диний экстремизмга қарши кураш масалаларида муҳим ва оқилона таклифлари билан жаҳон миқёсида катта обрў қозонди⁶. Ғарбий, сиёсий, ижтимоий тангликларнинг маҳаллий ва халқаро ўчоқларини, «қайноқ» нуқталардаги нобарқарор вазиятни тинч йўл билан, музокаралар воситаси орқали ҳал этиш ҳақидаги аниқ ва равшан фикрлари халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихида қолишига ишончимиз комилдир.

Ҳаёт кўрсатганидек, янги минг йиллик масалаларни икки тоифага, глобал, яъни умумбашарий ва муҳим регионал муаммоларга бўлишни талаб қилмоқда. И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,

⁵ Каримов И. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Каримов И. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлидан. 6-жилд.-Т.: «Ўзбекистон», 1998

⁶ Ўша жойда

барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари⁷» асарида ҳамда нуфузли халқаро давлат раҳбарларининг олий даражадаги турли кенгашларида сўзлаган нутқларида жаҳон ҳамжамияти эътиборини бу масалага тортган эди.

Ҳукуматимиз ўзининг ташқи сиёсатида мана шу кўрсатмаларга амал қилмоқда. Давлатимиз бирон-бир буюк давлат таъсир доирасига тушиб қолмаслиги, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва мезонларига асосланиб иш юритиш орқали жаҳон ҳамжамиятида обрў қозонмоқда. Президентимиз И.А.Каримов минтақаларо ва қитъаларо муносабатларни юмшатиш, ҳар бир минтақада вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни кўра билиш, хавф-хатарлардан огоҳ бўлиш, уларни ўз вақтида ўрганиш ва зарур ҳулосаларга келиш, шу асосда умумбашарий муаммоларни тинчлик билан ҳал этиш йўллари кўрсатиб берди.

Шундай экан, кунчиқар мамлакат деб жаҳонда ном таратган Япония босиб ўтган тарихий йўлини ўрганиш биз учун фойдадан холи эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу маънода, Япония тарихи ҳамда Ўзбекистон-Япония алоқалари ривожини талаба-ёшларимизга, қолаверса, кенг оммага етказишни ўз бурчимиз, деб билдик.

⁷ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Каримов И. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлидан. 6-жилд.-Т.: «Ўзбекистон», 1998.

Мавзунинг илмий ўрганилиши: Япония тарихига бир назар ;Тарихий маълумотларга қараганда, японлар ўзларини «нихон-дзин», яъни қуёшли ўлка одамлари, деб атайдилар. Мамлакатнинг энг қадимги аҳолиси — айнлар бўлиниб, ҳозирги кунларда улар Хоккайдода ҳамда мамлакатнинг шимолидаги бир қатор оролларда яшаб келмоқда. Шунинг учун ҳам Япониянинг ўзига хос этник хусусиятлари айрим майда оролларда ва Рюкю архипелагида яшовчи халқларда сақланиб қолган.

Япониянинг энг қадимги даври тарихи ҳақидаги умумий маълумот бу ерда топиб ўрганилган фанда — «дзёмон маданияти», деб ном олган неолит даврига оид археологик ёдгорлик билан боғлиқдир. Энеолит даврида, яъни милoddан аввалги I минг йиллик ўрталарида Жанубий Корея ярим оролларида яшовчи «Яён» маданиятини шакллантирган қабилалар гуруҳи япон оролига кўчиб ўтиб, у ерда яшаган айн ва малайя, полинез қабилалари билан қўшилган. Натижада бу ўлкада ўзига хос қадимги япон қабилалари шаклланган. Бу қабилаларнинг бирлашуви, элат сифатида уюшуви милodий IV асрда умумияпон давлати — Ямато подшолигининг ташкил топиши билан якунланди⁸.

қадимги япон қабилалари машғулотлари балиқ овлаш, табиат инъом этган неъматларини териб еб, тирикчилик қилиб келган бўлса, кейинчалик суғориладиган деҳқончиликни ўзлаштириб олдилар. Деҳқончиликдан эса аста-секин ҳар хил хунармандчилик соҳалари ажралиб чикиб, такомиллашиб бориши натижасида чинни буюмлар, лакланган буюмлар ишлаб чиқариш,

⁸ Хидоятлов Г.А., Гулямов Х.Г. Всемирная история новейший период Европа и США после второй мировой войны. Т. 1999.

тўқимачилик ва бадий хунарлар тез ривожланиб борди.

Милодлан аввалги V аср, милодий IV асрларда деҳқончилик, чорвачилик ривожланиб, хўжаликда металл қуроллар қўлланила бошланди. Металлнинг хўжаликка киритилиши инсоният учун прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Ишлаб чиқариш тараққиёти натижасила меҳнат тақсимооти вужудга келишига имкон яратди. Ижтимоий табақаланиш кўпайиб борди. III асрга келиб, йирик қабилалар иттифоқи — Ямато асосида синфий табақаланиш жараёни илк Япон давлатининг таркиб топишига олиб келди⁹.

VI асрга келиб, Буддизм дини тарқала бошлаган. Ямато ҳукмдорлари ташқи алоқаларда «ТЭННО» унвонини қўллай бошлаган. Бу титул Европа тилларида «Император¹⁰» сўзи билан таржима қилинган. Илк феодализм даврида, яъни аниқроғи 646 йилдан бошлаб ер давлат мулки, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан аҳоли чек ерларнинг эгасига айланди. Бу даврда Японияда Хитойдаги Тан давлати туридаги марказий маъмурият тузилиб, 710 йилдан бошлаб унинг пойтахти Нара шаҳри қурилди. 784 йилдан Нагаокуга шаҳри доимий пойтахтга айланди. 794 йилдан эса пойтахт Хэйанга кўчирилди.

Шундай қилиб, XIX аср охири XX аср бошларида Япония иқтисодий жихатдан сезиларли даражада ўсди. Саноат маҳсулотларининг йиллик даражаси АҚШ, Германия, Англияга қараганда уч маротаба ортиқ бўлди. Шу кезлардан бошлаб Япония аграр мамлакатдан аграр-индустриал мамлакатга

⁹ Хидоятлов Г.А., Гулямов Х.Г. Всемирная история новейший период Европа и США после второй мировой войны. Т. 1999.

¹⁰ Ўша жойда

айланди¹¹.

Яқин Шарқда ўз позициясини йўқотган Япония 1920-1931 йиллар мобайнида ўз бошидан жиддий иқтисодий инқирозни кечирди. Бу инқироз узоқ муддатга чўзилмасада, Япония иқтисоди учун жуда оғир кўчди. 1931 йил май ойига келиб иқтисодий бўҳронлардан қутилиш йўли очилди. Шу йили Япония Маньчжурияни босиб олиш орқали жаҳонни қайта тақсимлаш жараёнига қўшилди. Узоқ Шарқда Япония иқтисодий қайта кўтарилиши бошланди. Агар Япониянинг 1934-1940 йиллардаги иқтисодий аҳволига назар ташласак, унинг катта ютуқларга эришганлигини кузатамиз. Айниқса, энергетика, металлургия, машинасозлик, кимё, чўян эритиш юксак даражада ривож топди.

Мамлакат иқтисодий ривожини учун миллий даромаднинг 30%ни, шу жумладан, 18-20% ишлаб чиқариш корхоналарини қуришга ва уларни янги технология асосида жиҳозлашга сарф қилиниши йўлга қўйилган. Япония жаҳон иқтисодий тараққиёти учун кўплаб иқтисодий ёрдам берувчи донор давлатга айланганлиги ҳозирги кунда сир эмас. Чунки бу мамлакат миллий иқтисодда жаҳонда иккинчи. ривожланаётган давлатларга беғараз ёрдам беришда дунёда биринчи, жамиятни тараққий эттиришда энг олдинги давлатлардан ҳисобланади.

Президентимиз шу йил 28 июл куни расмий ташриф билан Японияга жўнаш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида Япония ҳақида гапириб, бу мамлакат, нафақат Осиёда, балки жаҳон миқёсида

¹¹ Современная Азия. М. «Наука» 1977.

иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий ва сиёсый жиҳатдан катта салоҳиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади. Бундай давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бизнинг миллий манфаатларимизга мос келишини алоҳида уқдириб ўтди. Чунки бу мамлакат юқорида таъкидлаб ўтилганидек, замонавий илмий-техника салоҳиятига асосланган қудратли ишлаб чиқариш имкониятига эгадир.

Биз бу ўринда Япониянинг кейинги ўн йилликка (1999-2008) мўлжалланган иқтисодий режаси ҳақида тўхталиб, мамлакат мўътадил йўлга қўйилган хўжалик ўсишини таъминлашни энг асосий мақсад қилиб қўйилганлигини айтиб ўтмоқчимиз. 2001 йил иқтисодиётида ички ялпи маҳсулотнинг 2% ошишига эришилган. Шунингдек, ҳукумат бу босқичда молия соҳасида пулнинг қадрсизланишига йўл қўймаслик сиёсатини олиб боришни назарда тутди¹².

2001-2002 йилларда иқтисодий тараққиёт етарли даражага етгач, давлат унга ёрдам бериш амалиётидан воз кечиш йўлини назарда тутса, 2003-2008 йилларга мўлжалланган учинчи босқичда давлат томонидан пул муомаласини тўлиқ эркинлаштириш (нейтраллаштириш) сиёсатини олиб бориш ҳамда ҳукуматга давлатнинг иқтисодий дефицитини ёпиш имкониятини яратиш кўзда тутилган. Шу мақсадда режага кўра давлатга қарашли бойликларни сотиш, яъни мулкни тўлиқ хусусийлаштириш, бу орқали давлат харажатларини камайтириш кўзда тутилган.

¹² Хидоятлов Г.А., Гулямов Х.Г. Всемирная история новейший период Европа и США после второй мировой войны. Т. 1999.

I БОБ Япония давлат тузуми, хусусиятлари

Япония — Тинч океанининг ғарбий қисмида ҳамда Осиёнинг шарқий соҳилига жойлашган бўлиб, табиати мўътадил, субтропик ва тропик минтақаларга тўғри келади. Япония ҳудудида 4 мингга яқин орол бўлиб шимоли-шарқдан жануби-ғарбга қарийб 3,5 минг км.га чўзилган. Энг йирик ороллари Хоккайда, Хонсю, Кюсю, Секоку ҳисобланади. Мамлакатнинг асосий ороллари улкан муҳандислик иншоотлари, сув ости тоннеллари, кўприklar орқали ўзаро бир-бири билан боғланган. Майдони 377815 км²ни ташкил этиб, унда 126 миллион 959 минг киши истиқомат қиладиган улкан мамлакат ҳисобланади¹³.

Япониянинг пойтахти Токиода 12 миллион 976 минг киши яшаса, Осакада, Ёкохамо каби йирик шаҳарлари борки, уларнинг ҳар бирида 3 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди.

Япония маъмурий жиҳатдан уездларга бўлинган, 47 префектура ва 14 округга, шунингдек, Хоккайдо маъмурий вилоятга ажратилиб бошқариладиган давлатдир. Япония давлат тузуми Конституцион монархия бўлиб, бу тузум Иэясу Токугавалар ҳукмронлиги даврида (1603-1867 йил) марказлашган феодал-монархия давлатига айланган эди. 1889 йили императорга мутлоқ кенг ҳуқуқлар берувчи, парламент фаолиятини чеклаб қўйувчи Конституция қабул қилинди. Шундан сўнг Эво оролининг номини Токио деб ўзгартириб,

¹³ Хидоятлов Г. А. Всемирная история. Т. «Шарқ» 2000.

мамлакат пойтахтига айлантирилди.

1926 йилдан то 1946 йилларгача Япония давлати тахтида Сёва исимли император ҳукмронлик қилган. Бу даврда мамлакат кўплаб қийинчиликларга дучор бўлди. Шу туфайли 1946 йил император ўзининг меросий ҳуқуқларидан воз кечишга қарор қилди.

Мана деярли 50 йилдирки, 1947 йил 3 майда кучга кирган амалдаги Конституцияга мувофиқ Япониянинг меросий императори давлат ишларида расман иштирок этмайди. Лекин у давлат ва халқ бирлиги рамзи ҳисобланиб, мамлакат фуқаролари томонидан жуда катта ҳурмат билан қараладиган шахс сифатида эъзозланади. Император гарчи давлат раҳбари ҳисоблансада, аслида у давлатни рамзий маънода бошқариш ҳуқуқига эга. Барча сиёсий вазифаларни парламент тавсиясига кўра тайинланган Бош Вазир амалга оширади. Шу боисдан император парламент тавсиясига кўра Бош Вазирни тайинлайди. Ўз навбатида ҳукумат тавсиясига кўра император Олий Суд раиси ва унинг аъзоларини ҳам тайинлайди.

Олий қонун чиқарувчи ҳокимият органи икки палатали парламентдан иборат бўлиб, вакиллар палатаси 4 йилга, маслаҳатчилар палатаси 6 йилга сайланади. 20 ёшга етган барча япон фуқаролари сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Конституцияга кўра парламент ҳукумат фаолиятини назорат қилиб туради. Шу билан биргаликда парламент халқаро шартномаларни ратификация қилиб, керак бўлганда давлат Конституциясига баъзи тузатишлар киритиш ҳамда давлат бюджетини қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Парламент ўз резолюциясига кўра депутатлар ичидан Бош Вазир

тайинлайди. Вазирлар Маҳкамаси Олий ижроия ҳокимият органи ҳисобланади.

Шундай қилиб, 1947 йил янгидан қабул қилинган Япония Конституцияси халқ ҳокимиятига кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Халқнинг олий ҳокимияти тикланиши ва инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши янги Конституциянинг бош тамойилига айланди. Император ҳокимиятидан халқ суверинетига ўтилиши — Япония тарихида туб ўзгариш эди. Бу ҳолат япон миллатининг ўзини кўрсатиши, ўз истёждодини тўла намоён этишига имкон яратиб берди. Шу йиллардан бошлаб Япония иқтисодини тезроқ оёққа турғазини ҳокимият учун бош мақсадга айлантирилди.

Бунга эришиш учун қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти вазифалари тенг тақсимлаб берилди ва ижроси таъминланди. Бу барча тизимларнинг аниқ бир маромда ишлашига катта ёрдам берди. Бу борада 1947 йилда қабул қилинган «Давлат хизматчилари тўғрисида» ги қонуннинг аҳамиятини алоҳида қайд этиб ўтишни жоиз деб биламиз. Гап шундаки, бу қонун маъмурий ва давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, ҳукумат хизматчиларининг халқ, миллат олдидаги маъсулиятини оширишга мажбур этади. Натижада коррупция, порахўрлик, алдамчилик йўлларига тўсик қўйилди. Японияда парламент маҳкама туридаги тизим сифатида иш олиб боради. Парламент икки палатали — вакиллик палатаси ҳамда маслаҳатчилар палатасидан таркиб топган. Вакиллик палатасига 500 нафар депутат тўрт йил муддатга сайланади. Аммо бу палата тарқатиб юборилиши ҳам мумкин, Маслаҳатчилар палатасига 252 депутат олти йилга сайланади, депутатларнинг ярми ҳар уч йилда қайта

сайланади. Бироқ тарқатиб юборилмайди. Вакиллик палатаси мавқеи юқори бўлиб, қонунларни чиқаришда, мамлакат бюджетини тасдиқлашда, Бош Вазирни тайинлашда уларга катта ҳуқуқлар берилган.

Агар Япониянинг сўнгги эллик беш йиллик тарихини кўздан кечирадиган бўлсак, давлат минг йиллик император тизими, 250 йиллик дунёдан узилиб қолиш режимидан бутунлай воз кечиб, демократик бозор иқтисодиёти йўлини танлаб хато қилмаганининг гувоҳи бўламиз.

Шуниси эътиборлики, Япония ҳукумати давлат хизматчилари юқори малакага эга бўлишларига қарамай, АҚШ Англия, Франция, Германия, Канада ва бошқа давлатларда машҳур бўлган университетларга узоқ муддатли стажировкага ҳар йили юбориб турилади. Шунингдек, Австралия, Швейцария, Канада, Янги Зеландия, Швеция, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия каби 30 дан зиёд давлатларнинг ҳукумати қошидаги ташкилотларга қисқа муддатли хизмат сафарлари мунтазам уюштиради. Кадрлар ўз ватанига қайтиб келишгач, бошқарув тизимига ва ишлаб чиқаришга жаҳон пешқадам давлатлари яигликларини дадил жорий этадилар. Раҳбар кадрларга давлат ва жамоат ташкилотларига, кичик ва ўрта бизнесга, молиявий институтларга таяниб иш олиб боришларига етарли шароит яратиб берди.

Саноатда Ўзбекистонда бўлаётгани каби ислохотлар босқичма-босқич олиб борилди. Эндиликда «Темир иқтисод даври» дан «интеграл схемалар иқтисоди» га жадал ўтилди. Бу Япония тараққиётининг дебочаси эди. Эндиликда Япония Осиё минтақаси давлатларига ўз инвестицияларини жалб эта бошлади. Ўз навбатида, япон жамияти шароит тақозосига кўра давлат

маъмурий, давлат молияси, ижтимоий кафолат, иқтисод, молиявий таълим тизимида янги-янги ислохотларни аниқ маромда ўтказишга киришди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Япония давлат тузуми демократияга асосланган бўлиб, Конституцияга кўра парламент йўли билан ҳукумат фаолиятини назорат қилиб турувчи эндигона мустақилликнинг 11 йиллигини нишонлаган Ўзбекистон давлати учун Япония каби ривожланган мамлакатлар босиб ўтган йўл, улар эришган улкан ютуқлар ҳақидаги маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

II БОБ. Ўзбекистон ва Япония: ҳамкорликнинг янги босқичи;

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб бормокда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ўзбекистон барча тараққийпарвар давлатлар билан мафкурасидан қатъи назар, ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга тайёр эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Бугунги кунда мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги ўтган қисқа давр ичида давлатимиз кенг кўламдаги ютуқларга эришди.

қарийб бир ярим асрлик мустамлакачиликни ўз бошидан кечирган ўзбекистон, мустақилликнинг ўн бир йили ичида жуда катта иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги ютуқларни қўлга киритди. Республикамиз дунёнинг тараққий этган давлатлари билан тенглар ичра тенг бўлган икки томонлама

фойдали сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий муносабатларни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон дунёнинг энг тараққий этган Европа давлатларидан ташқари, Осиёнинг, жумладан, Шарқ ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари — Хитой, Жанубий Корея, Индонезия, Малайзия ва ниҳоят Узоқ Шарқда қудратли бўлган Япония давлати билан ҳам дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйишга эришди.

Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон-Япония муносабатларига алоҳида эътибор билан қараб келмоқда. Чунки аввалги бобда таъкидлаганимиздек, Япония ҳукумати қисқа вақт ичида ўзининг оқилона олиб борган ички ва ташқи сиёсати туфайли дунёнинг энг бой, ривожланган, нуфузли давлатига айланди.

Биз бошқаларнинг ибратли ишларига ҳамиша ҳавас билан қараб келган, ҳар қандай эзгу ишдаи ўрнатқан оладиган халқ эканлигимиз туфайли ҳам «Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданок шу фалсафага амал қилиб келаяпти», деб ёзганида халқаро шарҳловчи И.Норматовнинг нақадар ҳақ эканлигига амин бўламиз¹⁴.

Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган, демократик ривожланиш йўлига тушиб олган, ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрни ва ўз қарашларига эга бўлган давлатларга ҳавас билан қараб, улар билан қалин дўстлик ва яқин ҳамкорлик ишларини боғлаш Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатини белгилаб беради. Нафақат Япония, балки бутун жаҳон даалатлари бугунги

¹⁴ Тараққиётнинг Ўзбек модели. Т., «Ижод дунёси», 2000.

кунда Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг барқарор мамлакат ва ишончли ҳамкор сифатида тан олмокда. Шу боис ҳам ўтган йиллар мобайнида жаҳонинг кучли ва илғор мамлакатлари Ўзбекистон билан барча соҳалар бўйича ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилмокдалар.

Дунё ҳамжамиятининг бизга очик ва дўстона муносабатлар ўрнатишга бўлган ҳаракатлари боисини ташқи алоқаларда Юртбошимиз амалга ошираётган ҳалол сиёсат замирида халқаро ҳуқуқнинг энг одил, инсонпарвар, башариятга ҳар томонлама мақбул келадиган устувор тамойилларга асосланганлигида, деб ту-шунмоғимиз лозим.

Бу кудратли давлатлар Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишонади ва буни аниқ тасаввур этади. Бунинг моддий асоси сифатида табиий бойликларимиз кўлами ва ҳажми, захираларимиз улканлиги, бебаҳолиги ва хилма-хиллигини жаҳон аҳли жуда яхши билади.

Шу боисдан ҳам қисқа вақт ичида дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳалардаги алоқалар ўрнатишга эришдик. Жумладан, Япония Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида биринчилардан бўлиб 1991 йил 28 декабридаёқ тан олган эди¹⁵. Кўп ўтмай, 1992 йилнинг бошидан икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Бу бежиз эмас. Бизлар қадимий Буюк ипак йўли орқали боғланган халқлармиз. Жумладан, каттага ҳурмат, кичикка иззат, оилага садоқат, саранжом-саришталик, хуллас, барча шарқона урф-одатларимиз бир-бирига

¹⁵ Бозоров А. Инсоният тарихида янги давр. //Мулоқот. 2004, № 4.

яқин. Шунинг учун ҳам Япония халқи Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида мавжуд бўлишидан манфаатдор эканлигига шубҳамиз йўқ. 11 чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида айтилганидек, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш эканлиги ҳам бежиз эмас эди. Шу маънода Япония ва Жанубий Корея мамлакатлари минтақамизда хавфсизлик ва барқарор тинчликка эришишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал қилишда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестициялар кириб келишида, қўшма корхоналар тузишда фаол иштирок этаётгани муҳим ўрин тутди. Ўз олдида ҳуқуқий-демократик давлат қуришни мақсад қилиб олган, келажаги буюк бўлган Ватанимиз учун илғор мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, уларнинг илғор замонавий технологияларини юртимизга олиб кириш, қўшма корхоналар очиш ўта муҳимдир. Зеро, бугунги кунда бирон-бир давлат хориж сармоясисиз яшай олмайди. Ҳозирги пайтда республикамызда фаолият кўрсатаётган 2000 дан ортиқ қўшма корхоналарнинг кўпчилиги жаҳоннинг кучли «етти» лигига кирувчи АҚШ, Япония, Франция, Буюк Британия, Германия, Канада мамлакатлари ҳиссасига тўғри келаётгани бежиз эмас.

Бу муносабат Ўзбекистоннинг Ғарб билан интеграциясида муҳим қадам бўлса, кўп ўтмасдан Ўзбекистон дунёнинг яна бир қудратли давлати Япония билан узок муддатга мўлжалланган стратегик ҳамкорлик ўрнатишга эришди. Бу мамлакатимиз учун Шарқда мустаҳкам ҳамкорлик демакдир. Ушбу алоқалар

шунчаки маълум муддатга тузилган бўлмай, ўзаро ишонч асосига қурилган ҳамда узоқ муддатни қўзлаган стратегик ҳамкорликдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Японияга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги икки қўшма баёнот имзоланганлиги икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги саҳифа очилганлигидан далолат бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, имзоланган бу стратегик ҳамкорлик узоқ муддатли, ўзаро ишончга асосланган муносабатларни ўз ичига олган. Чунки стратегик ҳамкорлик деганимизда, биз икки мамлакат ўртасида маълум синфлар манфаатларини амалга ошириш мақсадидаги шартномани эмас, балки кенг маънода минтақалар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва ғарбий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини тушунмоғимиз жоиздир. Зеро, бу ҳамкорлик ҳар икки мамлакат халқлари учун ҳам бирдек хизмат қилишга қаратилган узоқ муддатли ҳамкорликдир. Мазкур ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларга асосланган ҳолда дўстона муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ниятини билдирдилар. Ўз навбатида Япония Ўзбекистон билан шериклик ўрнатишдан манфаатдор эканлигини изҳор этиб, бу муносабатларни Марказий Осиё минтақасидаги энг муҳим ва катта салоҳиятли шериклик, деб баҳоламоқда. Гап шундаки, 1995 йилдан буён Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси 1 миллиард 600 миллион АҚШ

долларидан ошиб кетди¹⁶. Бу борада Япония-Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлиги йилдан-йилга ошиб борганлигини кузатамиз. Бу икки давлат ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йил сайин кўпайиб бораётганлиги фикримизнинг далили бўла олади. Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритаётган сармояси ошиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Масалан, Япония ҳамкорлиги натижасида Кўкдумалоқ ва Шўртан нефт-газ саноати иншоотлари ҳамда Япониянинг Ўзбекистондаги ўнлаб фирма ва компаниялари имтиёзли кредитлар билан таъминлаб келинаётганини эслатиб ўтмоқчимиз.

Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги натижасида «Мицубиси», «Мицуи», «Марубени», «Нише Иваи» корпорациялари билан ҳамкорлик ўрнатилиши ҳамда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Bank of Tokyo -Mitsubisi» ўртасида имтиёзли кредит, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Япония алоқаларининг қайта тикланишига олиб келди, десак хато бўлмаса керак. Хусусан, Япония «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида мамлакатимизга бегараз ёрдам сифатида 100 миллион доллардан зиёд маблағ ажратганлиги фикримизнинг исботидир. 2000 йилдан буёғига кичик ҳажмли лойиҳалар учун жами 2,225 миллион долларлик маблағ ажратишни назарда тутувчи 48 шартнома тузилди. Ҳозирги кунда ўзбекистонда 18 япон компаниясининг ваколатхонаси, 10 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, жаҳоннинг энг қудратли давлатлари сафига кирувчи етти мамлакат

¹⁶ Тараққиётнинг Ўзбек модели. Т., «Ижод дунёси», 2000.

вакиллари томонидан 2000 га яқин қўшма корхоналарнинг ишга туширилувини ҳисобга олсак, нима сабабдан Ўзбекистонга қизиқиш бу қадар улкан эканлигини ўйлаб қоламиз. Чиндан ҳам жаҳоннинг ривожланган давлатлари Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончлари комил эканлигига имон келтирамиз. Чунки Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти табиий бойликлари кўп, энг муҳими ажойиб меҳнаткаш халқи бор. Ҳозир Ўзбекистон пахта ва пилла етиштириш ва қайта ишлаш буйича жаҳонда 2-3-ўринда, олтин, мис, газ, нодир металллар, уран захиралари бўйича 8-10-ўринда турибди. Эндиги вазифа шу бойликлардан миллат ва халқ мамлакат манфаатлари йўлида самарали фойдаланишдан иборат¹⁷. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат, халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасида бу борада катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Натижада сиёсий ва иқтисодий –мустақиллигимиз кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1999 йил 6 апрел куни «Дўрмон» қароргоҳида Япониянинг «Кейзай-Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмаси президенти Коичи Минагучи раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашувда қурилиши бошлаб юборилган «Андижон-Ўш-қашқар» темир йўли ва шу йўналишдаги автомобил йўли ҳақида сўзлаганида бу йўл орқали Ўзбекистон Хитой портларига, ундан Японияга йўл очишни кўзда тутаётганлиги ҳақида айтиб ўтган эди. Шунини таъкидлаб ўтишимиз

¹⁷ Тараққиётнинг Ўзбек модели. Т., «Ижод дунёси», 2000.

жоизки, Шарқ ва Ғарбни бир-бирига бирлаштирадиган ТРАСЕКА лойиҳасининг тўла ишга туширилиши шу йўл ўтадиган мамлакатлар ўртасида нафақат иқтисодий, балки сиёсий, маданий ва маънавий алоқаларни мустаҳкамлашни назарда тутган улкан дастурнинг амалга ошуви ҳамдир. Негаки, мазкур йўлак бу йўналишдаги барча давлатларга бирдек фойда келтиради. Чунки бу лойиҳадан нафақат Ўзбекистон орқали Европа мамлакатлари Осиёга, ўз навбатида Осиё мамлакатлари Европага чиқиш имкониятларига эга бўладилар.

Шунинг учун ҳам Юртбошимиз Ислом Каримов Япония ҳукумати юритаётган «Ипак йўли минтақаси дипломатияси» сиёсатига юксак баҳо берган эди.

Токиода Президент Ислом Каримов ва Япония Бош Вазири Жунъитиро Коидзуми имзолаган тарихий ҳужжатда икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология, таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб қўйилган. Жуда қисқа вақт жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари ичида ўрин олишига сабаб бўлган омиллардан бири мамлакатда таълим соҳасида ўтказилган ислоҳотнинг тўғри олиб борилганида, деб ўйлаймиз.

Япониядаги таълим тизими 1947 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисидаги асосий қонун» ва «Мактаб таълими тўғрисидаги қонун» негизида амалга оширилади¹⁸.

¹⁸ Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998.

Мажбурий таълимнинг биринчи босқичи 6-12 ёшли болалар учун олти йиллик бошланғич мактаб ҳисобланади. Мажбурий бўлган олти йиллик таълимдан сўнг имтиҳонларни топира олган ўқувчилар мажбурий таълимнинг уч йиллик иккинчи босқичида (12-15 ёшли) ўқишни давом эттирадилар. Шу билан мажбурий таълим тугалланиб, келгуси босқич таълим жараёнлари ихтиёрий равишда контракт асосида пулли олиб борилади.

Ҳисоб-китобларга қараганда мажбурий таълимни ўтаб чиққан ўқувчиларнинг 94% бу имтиҳонлардан ўта олиш даражасида билим олишга эришадилар.

Юқори малакали ишчилар корхоналардаги, хусусий фирмалар қошидаги ўқув марказларида, қисқа муддатли курслар ва хусусий ҳунар-техника мактабларида тайёрланади. Шунингдек, беш йиллик техника коллежлари мавжуд бўлиб, 20 хилдан иборат муҳандислик йўналиши бўйича таълим олиш имконияти бор. Уларнинг кўпчилиги давлатга қарашли бўлиб, талабалар катта танлов асосида қабул қилинади. Бу коллежларни битирган талабалар давлат томонидан иш билан таъминланадилар. 1976 йилдан бошлаб йирик фирма ва компаниялар қошида махсус тайёргарлик мактаблари тузилган. Ўқувчилар қайси фирма ёки компаниялар ҳисобидан билим олса, ўша фирмалар томонидан иш билан таъминланиш ҳуқуқига эга. Олий таълим университетлар ва институтларда олиб борилиб, уларга ўрта мактабнинг тўлиқ босқичини ўтаб келган ёшлар қабул қилинади. Олий таълимни эгаллаш учун тўрт йил ўқиш жорий қилинган. Мутахассислар тайёрлашда давлат университетлари етакчи рол ўйнайди. Булардан ташқари хусусий ўқув юртлири бўлиб, уларда ўқиш учун катта миқдорда контракт

тўлаш зарур бўлади.

Энг йирик давлат университетлари Токио, Сендай шаҳрида жойлашган Тохоку университети, Киото, Осака, Саппоро, Нагое, Фукуоке, Сендай университетлари ҳисобланади.

Хусусий университетлардан энг машҳурлари Васода, Кето, Тую, Токиодаги Мэйдзи, Осакадаги Кансай, Киотодаги Рицумэй университетлари ҳисобланади. Юқоридагилардан ташқари 200-300 талабага эга бўлган митти университетлар ҳам Япония таълим жараёнларида фаол қатнашадилар¹⁹

Япония таълим соҳасига назар ташлар эканмиз, унинг кўп жиҳатлари Ўзбекистонда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га яқин томонларини кўрамиз. Масалан, Япония таълим тизимида мувофиқ бошланғич мактабнинг олти йиллик биринчи босқичи ва уч йиллик иккинчи босқичи мажбурий таълим тизимида кириб, тўлиқ ўрта мактабнинг 15-18 ёшдаги ўқувчиларни ўқитиши мажбурий таълим тизимида кирмайди. Бизда эса «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ 12 йиллик мажбурий таълим жорий қилинган. Шунга биноан, Ўзбекистонда мактаб тизими умумий мажбурий таълимнинг икки босқичини — бошланғич таълим (I-IV синфлар) ҳамда таянч таълим (V-IX синфлар) жараёнини ўз ичига олади.

Ўзбекистонда мажбурий 9 йиллик мактабни битирган ёшлар касб-хунар коллежларига кириб ўқиш ёки ўқишни ўз хохишига кўра академик

¹⁹ Зуннунов /. Глобаллашув ва жаҳон касба уюшмалари. //Мулоқот. 2003. № 2.

лицейларда давом эттириш ҳуқуқига эга. Ўзбекистонда касбий таълимни эгаллаш уч йил давомида олиб борилади. Энг қизиқ жойи шундаки, японлар болага таълим бериш боғчадан эмас, балки бола туғилганидан бошланади, деган ақидага амал қилсалар, бизда эса болага тарбия беришни бешикдан бошлаб ота-боболаримиздан қолган удум асосида олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шунга қарамай, Япониядаги бошланғич ва ўрта таълим жаҳондаги энг мукаммал, самарали ва талабчан тизим ҳисобланади. Нафақат муайян доирадаги одамларнинг, балки мамлакат бутун аҳолисининг эътибори таълимга йўналтирилган. Шунинг учун ҳам мураккаб технологияга асосланган ишлаб чиқаришда барча япон ишчи аҳли алоҳида ғайрат, интизом ва сабот билан муваффақиятли қатнашиш хусусиятига эгадир.

Япония давлатининг жаҳондаги энг илғор тараққиёт даражасига эришувига сабаб бўлган омиллардан яна бири мамлакатда илм-фанга бўлган катта эътибор билан боғлиқ, деб биламиз. Яратилган ва яратилаётган ғаройиб ихтиролар, япон мўъжизаси, деб тан олинган кашфиётларнинг барчаси илмга бўлган эътиборнинг натижасидир. Шунинг учун ҳам Япония таълим соҳасида эришган ютуқлари билан нафақат Осиёда, балки бутун жаҳонда машҳур давлатга айланган.

Шу туфайли Ўзбекистонда қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури²⁰» бўйича таълимнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларга бефарқ қараб турмасдан, ҳаётга

²⁰ Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақада тинчлик ҳимоясида. Т. «Ўзбекистон». 2001.

жорий этишда бутун жамият масъул ва фаол бўлмоғи лозим. Бинобарин, бизнинг таълим соҳасидаги ислохотларимиз Японияда ҳам юксак баҳоланмоқда. Президенти-миз Ислом Каримов Япониянинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири бўлган Веседа университетида бўлиб, у ердаги учрашув чоғида шу университетнинг ректори жаноб Окушима Такаясу Юртбошимизнинг давлат бошқариш, жаҳон ҳамжамияти қатори Япония била ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматларини алоҳида таъкидлаб ўгди. Шу билан биргаликда, изчиллик билан амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам эътиборга лойиқ эканлигини қайд этди.

Шундан сўнг, Веседа университети Илмий кенгашининг қарорига биноан Ислом Каримовга мазкур олий ўқув юртининг фахрий доктори унвони берилди²¹.

Ташриф чоғида Ислом Каримов Японияда таълим олаётган ўзбекистонлик 70 га яқин талабалар билан учрашиб, улар билан мамлакатимиз учун замонавий кадрларнинг аҳамияти, бу борада мамлакатимизга Япониянинг кўрсатаётган ёрдами хусусида суҳбат ўтказди. Энг қувонарлиси шуки, Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида 348 миллион иен миқдорида янги грант ажратиш тўғрисида битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ яна 20 нафар Ўзбекистонлик йигит-қизларнинг Японияда таҳсил олиши учун имкониятлар

²¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» 2004.

яратилди.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлигимиз ҳам икки мамлакат ўртасида тузилган стратегик ҳамкорликнинг узвий қисмига айланиб бораётгани қувонарлидир. Зеро, ушбу алоқалар том маънода ўзаро ишончга йўғрилган муносабатларни назарда тутди. Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган. Ташриф чоғида томонлар Марказий Осиё худудида хавфсизлик масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев Афғонистон масаласида ҳар икки мамлакат учун ҳам бу минтақада барқарор тинчлик ўрнатилишидан манфаатдорлик таъкидлаб ўтилганлигини алоҳида қайд қилди. Шунингдек, Япония томони Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш -ташаббусини қўллаб-қувватлашини таъкидлайди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Япония Бош Вазири Жунъитиро Коидзуми томонларидан имзоланган стратегик ҳамкорлик ҳақида битим билан бирга иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшма баёнот муносабатларимизда муҳим аҳамият касб этди. Бу эса иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари бўйича икки томонлама ҳамкорликни такомиллаштиришни назарда тутди.

Жумладан, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, савдо-иқтисодий муносабатлар, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, ҳаво алоқасида ҳамкорликни янада кенгайтириш каби масалалар қамраб олинган. Япония

бундан буён ҳам Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Барча ҳужжатлар Япония Бош Вазирилинг қароргоҳида қабул қилингани Япониянинг мамлакатимизга, Президентимиз Ислом Каримовга нисбатан юксак ҳурматидан далолатдир. Ҳақиқатан ҳам, қабул қилинган барча сиёсий, иқтисодий ҳужжатлар кўлами, сафар чоғида Ислом Каримовнинг ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралар вакиллари билан самарали, сермазмун. Очик, дўстона музокаралари ушбу ташрифнинг юксак даражада ўтганлигидан далолат беради. қувонарлиси шуки, таомилга биноан, Япония императори ҳеч маҳал бир давлат раҳбарини, у неча марта Японияга ташриф буюриши ва ташрифи қандай мақомда ўтишидан қатъи назар, икки маротаба қабул қилмайди. Эсингизда бўлса, Президентимиз Ислом Каримов кунчиқар мамлакатда биринчи бор 1994 йилнинг май ойида бўлганида император саройида меҳмон бўлиб, Акихию билан учрашган эди. Бу сафарги ташрифида ҳам Ислом Каримов император саройида меҳмон бўлди. Шуниси диққатга сазоворки. император камдан-кам ҳолларда меҳмонларни шахсан кутиб олиб, кузатиб қўяди. Мамлакат халқининг фахри ҳисобланган бу шахснинг Ўзбекистон раҳбарига ғоят илиқ муносабат билдириши — музокаралардаги очиқлик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги кишини ғурурлантиради. Демак, Япония императорининг давлатимиз раҳбарига кўрсатаётган эҳтироми заминида катта маъно-мазмун мужассам. Зеро, халқ ўзи эҳтиром этадиган, фахрланадиган кишининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди.

Юртбошимизнинг Японияга қилган ташрифи, биринчидан, Япония-

Ўзбекистон муносабатларига янада кенг ва чуқур халқаро ҳуқуқий замин яратди. Бу ҳамкорликнинг ҳаётий ва зарур эканлигига расмий тус берди.

Иккинчидан, сиёсий соҳадаги муносабатлар тамомила янги босқичга кутарилди. Бу борада ҳозирги кунда Япониядаги олтита сиёсий партия билан ҳам муносабатларимизда катта силжиш рўй берди. Жумладан, уларнинг энг нуфузлиси Япония Либерал демократик партияси ҳисобланиб, Ўзбекистон билан алоҳида муносабат ўрнатган. Бу партия 1955 йилда икки консерватив партияларнинг қўшилиши натижасида тузилган бўлиб, 50 йилдан буён ҳукмрон партия сифатида давлат сиёсатининг асосларини белгилаб келмоқда. ҳозир ана шу партия ташаббуси билан парламентда «ЛДП - Ўзбекистон» дўстлик лигаси тузилган.

Токиода ЛДП бош қароргоҳида партия етакчилари билан Президентимиз Ислон Каримов учрашиб, улар билан ғоят самимий суҳбат ўтказди. Мезбонларнинг муносабатида чуқур эҳтиром, меҳр ва дўстлик руҳи яққол сезилиб турди. қолаверса, Япониядаги кўппартиявийлик тизими тажрибалари ҳам Ўзбекистон учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Учинчидан, ташриф иқтисодий масалалардаги музокараларга бой бўлганлиги билан ажралиб туради. Япоиянинг нуфузли ишбилармонлари вакиллари билан учрашув чоғида энергетика, ахборот-технологиялари, тўқимачилик, кимё ва енгил саноат, коммуникация тизимларини такомиллаштириш борасида кўплаб аҳлашувларга эришилди. Айниқса, пахта ва ипакни қайта ишлаш саноати соҳсидаги келишувлар алоҳида эътиборга молик бўлди.

Шундай қилиб, Ислом Каримовнинг Японияга сафари улкан натижалар билан якунланди. Бу ютуқларга албатта, ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунга сабаб Ўзбекистоннинг минтақамиздаги стратегик, жуғрофий, сиёсий аҳамияти, захиравий имкониятлари, иқтисодий салоҳияти ва энг муҳим бойлик — меҳнаткаш ўзбек халқи деб билмоқ даркордир.

Хулоса қилиб айтганда, жорий йил давомида Ўзбекистоннинг Япония билан ҳамкорлик стратегиясига эришуви Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз ташқи сиёсатининг буюк ютуғидир²².

V БОБ. Япония иқтисодиётининг урушдан кейинги йўналиши

Япониянинг 50 йиллик урушдан кейинги иқтисодий йўлини кўриб чиқадиган бўлсак.

1945-1950 йилларда иқтисодиётни тиклаш даври билан. Аҳолнинг асосий қисми аграр хўжаликда ишларди 9,7% га ошди. 1974 йилда нефть танқислиги бошланди. 1975-1985 йилларда ялпи даромад 35% га барқаророртиб борди. 1986-1991 йиллар давлат иқтисодиётидаги ўсиш «совун кўпи»ни билдириб йилига 4,6% иқтисодий ўсиш кузатилди. 1988-90 йилларда бу 5-6% ни кўрсатди.

1992 йил «кўпик» ёрилиб янги давр (совун кўпигидан кейинги иқтисодиёт) ҳозирги давргача даво этиб келмоқда.

Урушдан кейинги 15-18 йил Япониянинг иқтисодий ўсиши умумий йилига

²² Аргументы и факты. № 17 (267).

10% ни ташкил қилган.(ялпи даромад) 1970 йилда ялпи даромад 2000 АҚШ доллорига етган.

XX асрнинг хоирларига 1990 йилгача 15 йил давомида биринчи нефт инкирозидан сўнг Япония иқтисодий ўсиш сурати Европа давлати ва АҚШ дагига нисбатан юқори бўлди.

1990 йилларда текширувлар натижаси шуни кўрсатадики «ёрилган кўпик» қтисодида кўлланган узокни кўзловчи станцияси натижасида биринчи 1998 йилнинг ўзид Япония миллий даромади йилига тахминан 30 минг АҚШ доллорига етди. Шунга нисбатан Япониянинг урушдан кейинги иқтисодий ривожининг асосий уч хусусиятли қисмларига ажратамиз.Узоқ (йиллар давомида) давр иқтисодий ўсиш суратининг ортиши ва Ялпи Миллий даромаднинг ортиши ёки, умумий » пирог» даги улушнинг ортганлиги.Даромаднинг параллел равишда тарқалиши: яъни бойлар ва камбағаллар ўртасидаги фарқнинг ортиб кетмаслиги, умумий »пирог» нинг тенг тақсимланиши.Ички жамғарма ҳисобига иқтисоди ўсишнинг молиялаштирилиши.Бу даврда иқтисодиётнинг ўсишга ва жараённинг барқарор давом этишида давлатнинг ўрни катта. Ҳозирги кундаги иқтисодий вазият юзасидан шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳокимият сиёсатининг биринчилик сиёсати катта роль ўйнайди.

Япониянинг иқтисодий шароитлари .Хулоса.

Япониянинг иқтисодий аҳволи иккинчи жаҳон урушидан сўнг унинг юқори сураътда ривожланишигача бўлган даврда ачинарли аҳволда эди. Агар уни сўз

билан айтадиган бўлсак «фожиали ва абгор» эди. Токио ва бошқа шаҳарлар авиазарбалардан вайронага айланган, шисизлар ва бечорахол болалар билан тўлган эди. Иқтисодиётда қатъий маъмурий ва қора бозор ҳукмронлик қиларди. Табиий ресурслар бир қадар кейинги ўринларда турган. Энергетика манбаини оладиган бўлсак нефт умуман олинмас эди, кўмир эса кам миқдорда кўп ҳаражатлар эвазига олинар эди. Гидроэлектр станциялар кам ва сифатсиз электр энергияси чиқарган. Ҳамма турдаги маъданлар импорт эвазига келган. Иқтисодий барқарорлик 58,6% га йўқ қилинган эди.

Нефт қайта ишлаш эса 54,1 % га (сульфат аммоний ишлаб чиқариш билан бирга) тушиб кетган эди.

Японияга келган бутун жаҳон банки ўз докладида «Японияда йўллар йўқ лекин уларни қуриш учун участкалар бор ҳалос» йўллар умуман расво бўлиб улгурган эди²³.

Молиявий ресурслар эса ўта ачинарли аҳволда эди. Хаттоки маъданлар ва хом ашё учун ҳам етмас эди. 1950 йилда бутун жаҳон банки «Японияда бирор экспорт қилиш учун нарса борми ўзи» деган саволга «ҳа ипак ва жавоҳир» деб жавоб берганлар.

Ўша пайтда япон иқтисодиёти нималарга эга эди. Бу инсон ресурслари эди. 1948 йилда Япония аҳолиси 80 млндан иборат эди, шундан 35 млн одам иш қобилиятига эди. 1953 йил маълумотларига кўра аҳолиси Японияни 87 млнга етди, шундан 45 млн одам иш қобилиятига эга эди. XIX асрда ўрнатилган

²³ Хидоятлов Г. А. Всемирная история. Т. «Шарқ» 2000.

таълим тизими (Мейдзи инқилоби) одамларни меҳнатга нисбатан юксак хурмат руҳида тарбиялар эди. Шунингдек, давлат сиёсатида нисбатан юритилган «Бой давлат кучли армия шиори саноатни ривожлантириш даражасини, ва шу билан бирга юқори техник маъқени таъминлади Шунга қарамадан Япония АҚШдан ҳалиям ортда эди Кейинги босқичда Япониянинг асосий вазифаси янги технологияларни жалб этиш эди. Давлат бошқаруви ўша вақтда Мейдзи инқилобига асосан қурилган , бунга яна бюрократик институтлар ва солиқ органлари ҳам асосланган эди²⁴.

Бу тизим, асосан, давлат бошқаруви аҳолининг ишончига кўра тузилган эди. Молия-кредит тизими мавжуд эдики, унинг ҳам асоси банк ва почта-жамғарма тармоғи эди. Урушдан сўнг юзага келган инфляция натижасида йиғилган йиғим ва депозитлар қадри қолмади. 1949 йил фонд бозори урушнинг тугалланиши билан ўз ишини янгидан бошлади.

Япон фуқаролари урушдан сўнг Япониянинг асосий бойлиги эди. Бундан шу нарса келиб чиқдики, япон иқтисодиёти олдида урушдан сўнг битта муаммо туради. У ҳам бўлса, инсон ресурсидан қандай фойдаланиб бўлса ҳам ўзининг моддий ва молиявий имкониятини яхшилаш.

²⁴ Современная Азия. М. «Наука» 1977.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.
3. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлидан. 6-жилд.-Т.: «Ўзбекистон», 1998.
4. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.//«Мулоқот», 1998, №5.
5. Аргументы и факты. № 17 (267).
6. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. Т., Ижод дунёси», 2002.
7. Зуннунов /. Глобаллашув ва жаҳон касба уюшмалари. //Мулоқот. 2003. № 2.
8. Каримов И. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. Т., «Фан», 2001.
9. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. Т., «Ижод дунёси», 2002.
10. Страны Европы сегодня. С.П-г, 2003. № 2.
11. Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон минтақада тинчлик ҳимоясида. Т. «Ўзбекистон». 2001.
12. Хидоятлов Г.А., Гулямов Х.Г. Всемирная история новейший период Европа и США после второй мировой войны. Т. 1999.
13. Хидоятлов Г. А. Всемирная история. Т. «Шарқ» 2000.
14. Тараққиётнинг Ўзбек модели. Т., «Ижод дунёси», 2000.
15. Тошбоев О. Глобаллашув ва миллий маданият. //Тафаккур. 2006. № 1.
16. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти ва мафкуравий жараёнлар. Т., «Ижод дунёси», 2002.
17. www.press-servise.uz
18. www.mail.ru
19. www.president-offise.uz
20. www.bankreferatov.ru
21. www.ref.uz

